



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2021 ЙИЛ МАРТ

ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр

2021 йил март ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир яrim оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов
М.Жўраев
А.С.Сагдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Ш.Т.Қудратхўжаев
Н.А.Хусанов

Б.А.Назаров
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
И.С.Саифназаров
Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-үй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

Мундарижас

Иқтисод

И.Х.АТАМИРЗАЕВ, Ж.К.ЁҚУБЖАНОВ. Гастрономия турини ривожлантириш истиқболлари-----	5
Е.В.ЛАДЫГИНА, З.Б.АБДУРАХМАНОВ. Таможенный аудит, как один из основных направлений упрощения таможенных процедур-----	17
С.К.ҲАМИДОВ, Ф.И.ЮЛДАШЕВ. Жаҳон туризм саноатида пандемик ҳолат ва унинг Ўзбекистон туризм муҳитига таъсири-----	35
С.ЯКУБОВА. Давлат-хусусий шерикликнинг хориж тажрибаси ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги роли-----	45
Г.Т.ИСМОИЛОВА. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш-----	53
Ш.Ш.АСАМХОДЖАЕВА. Инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда инсон камолоти индексининг ўрни-----	71
П.В.КИМ. Анализ эффективности государственной поддержки цифровизации страховой отрасли Узбекистана-----	82

Юридик

Ж.А.МАЖИДОВ. Йўл-транспорт ҳодисасини тергов қилишда исботлаш чегараларининг назарий асослари-----	95
--	----

Филология

Ш.А.ҲАСАНОВ. Шеъриятда интеллектуал фалсафийлик-----	103
Ф.С.ОЛИМОВ. Навоий ижодида Жомий тавсифи-----	111
М.Р.БЕРДИМУРОДОВА. Қатағон (Хатаки)лар ва уларнинг тили-----	119
А.Х.ТИЛАВОВ. Айтган сўзинг дур бўлсин...-----	128
Т.ЖУМАЕВ. Ўзбек тилида тарихий сифат ясалишининг этимологик талқини ҳақида-----	139
Г.Қ.РАВШАНОВА. Сатирик қулгининг шакллари-----	148
Ф.ҚИЁМОВ. Алишер Навоий ижодининг абадиятга дахлдорлигини таъминловчи омиллар-----	158
А.Х.ХАЙРУЛЛАЕВ. Ҳикояда бадиий нутқ шаклларининг хусусиятлари--	167
М.М. РАЙХОНОВА. Абдулла Орипов ижодида ватан талқини-----	176
Қ.МАМИРАЛИЕВ. Ўзбек шеъриятида жанrlар мутациясига оид айrim мулоҳазалар-----	184
Х.С.ЮСУПОВА. Ҳозирги хитой тилида от туркумига оид сўзларнинг сўз қўшиш усулининг боғловчи модели асосида ясалиш хусусиятлари-----	196

С.Х.ШОМУРОДОВА. Эркин Воҳидов девонида Алишер Навоий	206
анъаналарининг акс этиши-----	
Ф.М.ИСКАНДАРОВ. Илк наът поэтикаси-----	214
Д.Р.ТУРСУНМУРОДОВА. “Кутадғу билиг” достонида зуҳд мақоми ва зоҳид	
образи-----	225

Фалсафа

Ф.Д.МУЗАФФАРОВ. Имом Ғаззолийнинг фалсафий концепцияси-----	233
О.Ж.ЎРОҚОВА. Романтизм тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари---	245
Р.Х.ХУДАЙБЕРГАНОВ. Ахборот маконида тил ва коммуникация	
масалалари-----	252
Б.Б.РУСТАМОВ. Мухаммад Ғаззолий таълимотида ўз-ўзини англаш	
йўллари-----	260

Тарих

Х.Р.НАФИДДИНОВА. “Ақиқа” маросими ва унинг жамият ҳаётидаги	
ўрни-----	267

Техника

Л.У.САФАРОВА, Б.М.ЭШБУРИЕВ. Разработка функции принадлежности	
для оценки болезни вторичной остеодистрофии у высокопродуктивных	
коров-----	274
Ҳ.Н.ЗАЙНИДИНОВ, И.ЮСУПОВ. Cloud технологияларига асосланган	
хизмат яратиш усул ва функционал тузилмаси-----	285

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал)
2021 йил, март сони

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй

Тарих

“АҚИҚА” МАРОСИМИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Хосият Равшановна НАФИДДИНОВА

ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада инсон туғилиши билан ўтказиладиган ақиқа маросими тўғрисида фикр юритилган. Ақиқа тушунчасига атрофлича таъриф берилган. Маросимни ўтказиш вақти ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Таянч сўзлар: ақиқа, маросим, чақалоқ, курбонлик, шукрон.

ЦЕРЕМОНИЯ “АКИКА” И ЕЕ МЕСТО В ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА

Хосият Равшановна НАФИДДИНОВА

преподователь

Бухарский Государственный Университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В этой статье приводится подробное определение церемония акика, проводимое при рождении ребёнка. Предоставляется информация о времени и порядке проведения церемонии.

Ключевые слова: акика, церемония, младенец, жертвоприношение, благодарение.

Оила ҳар бир жамиятнинг ўзаги саналади. Агар оила тарбиясига путур етса, шубҳасиз жамият ҳам таназзулга юз тутади. Шу сабабли ҳам энг қадимги даврлардан то ҳозирги давргача оила мавзууси доимий қизиқишига сабаб бўлиб, олимлар, файласуфлар, тарихчилар томонидан ўрганиб келинмоқда. Инсоният ҳаётида мавжуд урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, ибтидоий диний тасаввурлар ҳам ўзига хос тартиблар учун замин яратган. Асрлар оша булар ривожланиб, бири икинчисини тўлдириб борган.

Марказий Осиё халқарининг муқаддас ёдгорлиги “Авесто” ҳам оила масаласидаги муаммолар ва хилма-хил тартиботларнинг келиб чиқшига ўз

таъсирини ўтказган. Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё халқлари турмуш тарзida айниңса, оилаларнинг шаклланиши ёки улар билан боғлиқ тўй, марака ва маросимларнинг миллий қадриятларга уйғунлашиб кетганлигини кузатиш мумкин. Бу анъаналар жуда қадим замонлардан бугунги кунларимизгача қадриятларимиз таркибида яшаб сайқалланиб келган.

Ер юзидағи ҳар бир халқ ўзига тегишли маълум бир динга алоҳида эҳтиром кўзи билан қарайди. Шу билан бирга, динга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган урф-одат ва маросимларга ҳам айнан шу сабаблар туфайли катта эътибор берилади.

Оила маънавиятли, маърифатли ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланади. Шунинг учун никоҳ ибтидоий жамият давридан бошлаб даставвал одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир. Никоҳ ўзида умуминсоний қадриятларни мужассамлаштиргани учун ҳам ҳаётимизнинг зарур қонун қоидалари ўз ифодасини топган.

Бухоро воҳаси қадимдан ўзига хос анъаналар, урф-одатлар, диний эътиқодлар асосида яшовчи халқларнинг маскани бўлиб келган. Бугунги кунда Бухоро воҳаси оилаларида ўзига хос этник хусусиятларига эга турли урф-одат ва маросимлар сақланиб келмоқда. Мусулмон оламида инсон туғилиши биланоқ жуда кўплаб оилавий маросимларга гувоҳ бўлади. Худди шундай инсон туғилиши билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган маросимлардан бири бу “Ақиқа”дир. Ақиқа сўзига турли адабиётларда турлича таъриф беришади. Янги туғилган чақалоқнинг бошидаги тикини, туғилган чақалоқ учун қурбонлик қилишни ҳам ақиқа дейилади. Ушбу маросимнинг асл номи “Насиқа”дир. Ақиқа Ҳанафий фикҳида мубоҳ ва гўзал амалдир. Ақиқа баъзан халқ орасида ном бериш маросими деб аталади.

Ақиқа (араб. – “чақалоқ сочини олиш, қурбонлик сўйиш”) – мусулмон оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва “қорин сочи” (боланинг туғилгандаги сочи)га қайчи уриш билан боғлиқ одат [3]. “Ақиқ” – арабча сўз маъносида келади. Баъзилари бу боланинг дастлабки соchlарига, бошқалари бу ҳайвонни овқат учун гўшт бериш учун сўйиш ҳақида гапиради

[4]. Шунингдек, ақиқа, ота-оналарга шукр қилиш ва соғлом боланинг баракалари учун Аллоҳга шукронга қилишнинг бир усули ҳисобланади. Фарзандлар учун ибодат ва истакларга қўшимча равища, ақиқа ҳам боланинг сочини биринчи марта кесиб ташлаш ёки олиб ташлаш ва унинг оғирлиги олтин, кумуш ёки унинг миқдоридаги маблагни камбағалларга берилиши билам боғлиқ жараёндир.

Жоҳилият давридаги турли маъбуд ва маъбудаларга атаб қилинадиган қурбонликлар ўрнига мусулмон оиласида фарзанд тугилганлигининг шукронаси сифатида бир қўй сўйиб (имкониятга қараб) “Ақиқа” маросимини ўtkазиш жорий этилган. Қўй ўрнида баъзи оилалар моддий имкониятидан келиб чиқиб эчки ҳам сўйиши мумкин, албатта. Қурбонлик ақиқанинг муайян қисмидир. Қўй ёки эчкilar қурбонлик учун белгиланган ҳайвонлар бўлса-да, айrim худудларда сигирлар ёки туялар ҳам қурбон қилинади.

Аслида эса ақиқа қурбонлиги учун бир қўй сўйилиши етарлидир. Ўғил фарзанд учун иккита қўй сўйилиши керак деган қарашлар ҳам мавжуд. Улуг мұхаддислардан Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Язид ибн Можа ар-Раби ал-Қазвиний ўзининг 3163 ҳадисида “Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ўғил фарзанд учун иккита, қызы фарзанд учун бир қўйни ақиқа сифатида қурбон қилишимизни буюрдилар” [5], деб ёзган.

Ақиқа қурбонлиги учун бир қўй сўйилиши етарлидир. Ўғил фарзанд учун иккита қўй сўйилиши керак деган қарашлар ҳам мавжуд [6]. Шу каби муборак ҳадиси шарифларни нотўғри талқин қилиб бир гурӯҳ кишилар ислом динида аёл киши ёки қизларнинг хуқуқлари камситилган, уларга паст назар билан қаралган деб ўз фикр ва қарашларини асослашга ҳаракат қиладилар. Аслида эса тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ислом дини энди тарқалаётган вақтда араб жамиятида ҳам аёлларга нисбатан паст назар билан қараш, уларга нисбатан жабр-ситам авж олган эди. Ҳаттоқи ўзининг муқаддас китобига эга бўлган христианлар орасида ҳам “Аёл эркакни йўлдан уриш учун яратилган шайтон”, деган тушунча кенг тарқалган эди. Жоҳилият даври араблари эса аёлга бир буюм, матоҳ сифатида қараган.

Ислом дини дунёдаги мавжуд барча нуқсонларни, жумладан инсониятнинг нафис парчаси саналмиш аёлларга муносабатдаги мавжуд нуқсонларни тузатишга киришди. Аёлга тўлақонли инсон сифатида қараш масаласини ўртага қўйди. Аёлларга қилинаётган зулм, жабр ва ситамни бартараф этишга киришди [2;587]. Шу билан бирга, ўша даврда аёлларга етказилган зулм кўп бўлгани учун Ислом динида уларга нисбатан эътибор кўп бўлди.

Ақиқа маросимининг нишонланиш вақти тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд. Ислом анъанасида ақиқани чақалоқ туғилган куннинг етти ёки ўн тўрт, ёхуд йигирма биринчи кунлари ўтказиш тавсия этилади. Бу кунларда ақиқа ўтказилмай қолинса, сўнг қайси кунда, қачон амалга оширилса ҳам вазифа бажарилган ҳисобланади. Ақиқа қурбонлиги фарзанд туғилгандан бошлаб вояга етгунча қилиниши мумкин, фақат еттинчи куни қурбонлик сўйилиши кўпроқ фазилатлидир. Фарзанд туғилгач еттинчи куни унга исм қўйилади ва сочини олиб, ана шу сочи оғирлигига олтин ёки кумуш садақа қилинади. Яна ҳазрати Оиша розиаллоҳу анҳумадан қилинган ривоятга кўра Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам набиралари Ҳасан ва Ҳусанлар (р.а) туғилгач еттинчи куни ақиқа қурбонлиги сўйидириб, уларга исм қўйғанлар.

Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ақиқа еттинчи ёки ўн тўртинчи ёки йигирма биринчи куни сўйилади”, деганлар. Термизий аҳли илмлардан накл қилишича, ақиқани еттинчи куни сўйиш мустахабдир. Агар ўша куни сўя олмаса, ўн тўртинчи куни, у кунда ҳам сўймаса, йигирма биринчи куни сўяди.

Ҳадиси шарифларда айтилганидек, ақиқани еттинчи, ўн тўртинчи ёки йигирма биринчи куни қилиш афзал. Аммо бу қўйни фақат ўша кунлардагина сўйиш керак дегани эмас. Чунончи, хоҳлаганлар бола туғилганидан бир кун ўтиб ҳам ақиқа қилиши ёки имкони топилмаганлар кейинчалик – йигирма биринчи кунидан кейин ҳам ақиқа қилишлари мумкин. Бунда оиланинг моддий аҳволи эътиборга олинади. Ақиқа маросимини ўтказища ёшнинг

аҳамияти йўқ. Масалан, бир инсон ёши қирқقا кирганида мусулмон бўлди ёки Ислом моҳиятини англаб этди. У фарзандларига, катта ёшда бўлсалар ҳам, ақиқа қилиши яхшидир. Сабаби қилинмаган ишни то умринг охиригача қилиб қўйиш керак бўлади. Демак, ақиқада банданинг молиявий ҳолати инобатга олинади. Ақиқа қилишга қудрати етмаган одам қарз олиб ақиқа қилиш ёки ўзи қарздор, қийин аҳволда бўла туриб ақиқа қилиши мумкин эмас. Чунки, шариатимизда молиявий ибодатлар банданинг ҳолатига қараб бўлади. Ақиқа жонлиғини сўйгандан кейин тадбир уюштириб одамларга тарқатиш шарт эмас, балки бунда муҳими жонлиқнинг сўйилишидир [7].

Курбонлик қилишнинг ҳам ўзига яраша талаблари бор албатта. Курбонлик сўйиш учун аниқ шароитлар мавжуд: ҳайвон соғлом, нуқсонсиз бўлиши керак ва сўйиш инсонийлик билан амалга оширилиши керак. Ақиқа гўшти тақсимланиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Баъзи ҳолларда гўштнинг учдан бир қисми камбағалларга садақа сифатида берилади, қолганлари қариндошлар, дўстлар ва қўшнилар билан баҳам қўрилади ёки тарқатилади. Уни қай тартибда тарқатиш одамнинг ўзига боғлиқ: хоҳласа, гўштини қўни-қўшни ва қариндош-уруғларга, яна камбағал, бева-бечораларга тарқатсин, хоҳласа, дастурхон ёзиб, одамларни меҳмонга чақириш ҳам мумкин. Аммо бундан кўра энг ҳақдор одамларга тарқатиш афзал. Шунингдек, ҳалқ орасида баъзи ҳолларда ақиқа гўштининг асосий қисми боланинг онасига едирилиши керак, деган қараш ҳам мавжуд. Шунда боланинг соғлом вояга этиши ва унинг онаси ўзини тиклаши учун етарли шароит яратилган деб ҳисоблаш мумкин. Ақиқа қилмаслик учун диний оқибат йўқ. Бу “суннат” анъанаси, шу сабабли бу маросимни амалга ошириш мажбурий эмас. Бу ҳам ислом динининг инсонпарварлик тамойилларидан бири ҳисобланади. Яъники динда мажбурлаш йўқ. Аммо иложини топган заҳоти қилиш афзал. Сабаби боланинг маълум ишлари ақиқага боғлиқ бўлади. Баъзи уламолар ҳатто катта ёшлиларга ўzlари учун ақиқа қилишни маслаҳат беришади.

Ақиқани йилнинг исталган вақтида ўтказиш мумкин. Жумладан, Рамазон ойида ҳам ақиқа қилса бўлади. Фақат бу ишлар рўза тутишга ҳалал

бермаслиги керак. Кейин меҳмондорчилик саҳарлик ёки ифторлик пайтида бўлади. Маълумки, Рамазонда кун давомида таом истеъмол қилинмайди. Яна бир нарса борки, ақиқа қиласман, деб фарз бўлган Рамазон ойи рўзасини тутишда камчиликка йўл қўйиш яхши эмас. Шу сабаб кўпчилик ақиқа ва никоҳ тўйларини Рамазондан ташқари вақтларда ўтказадилар [8].

Чор Россияси ҳукм сурган вақт давомида мамлакатимизда ақиқа маросими нишонланмаган. Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам баъзи ҳолларда нишонланганда ўзининг асл моҳиятини йўқотиб, у фақатгина чақалоқ туғилганини эл-улусга маълум қилиш вазифасини бажарган. Шундай ҳолларда кўплаб меҳмонлар янги туғилган чақалоққа турли совға-саломлар, кийим-кечак, ўйинчоқлар ёки чақалоқ мебеллари каби совғалар олиб келишади. Лекин ўзбек оиласида чақалоққа керак бўладиган энг асосий мебел бу миллий анъаналаримизни ўзида мужассам қилган бешикдир.

Бешик – бола оёққа турганча ётадиган, яшайдиган жойи, бошпана уйидир [1;7]. Бешик ота-боболаримиз кашфиётлари орасида алоҳида ўринга эга. Одатда бешик оилада биринчи фарзанд туғилганда сотиб олинади ва кейинги фарзандлар учун ҳам ишлатилади. У мевали дараҳтларнинг ёғочидан ясалган. Бу албатта рамзий маънога эга. Унинг ёпинчиқларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ёзда нисбатан юмшоқ ва ҳаво ўтадиган матолар, қишида эса қалин ва иссиқ матолардан ёпинчиқлар тайёрланган. Шунингдек, бешикнинг ўзининг ҳам ёзги шакли бўлиб, у беланчак деб аталади. Беланчак бешик бажарган ҳамма вазифани бажармаса ҳам ёз қунларида аёлларнинг юмушини енгиллатган.

Хуроса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро амирлигига манғитлар хукмронлиги даврида кишилар ҳаёти ислом дини тамойиллари асосида барпо этилган эди. Ақиқа маросими ҳам диний маросим сифатида мусулмон оламида кишилар ҳаётидаги асосий маросимлардан бири бўлган ва халқ орасида кенг нишонланган. Шунингдек, ақиқа маросими ҳар бир мусулмон киши учун қилиниши керак бўлган энг асосий маросимлардан биридир. Лекин бугунги

кунда у ўзининг асл илдизларидан бироз узилганини гувоҳи бўлсакда, яна халқ ҳаётига қайтаётгани алоҳида эътиборга лойик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Саттор М. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фан, 1993.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Тўртинчи жуз. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 587 б.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.
- 4.<https://uz.eferrit.com/aqiba-yangi-chaqaloq-uchun-islomni-kutib-olish-marosimi>
5. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/i/ibn-moja/>
6. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Aqiba>
7. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/a/aqiba/>
- 8.<http://muxlis.uz.Odilxon qori Yunusxon o'g'li>.